

## Ҳар бир ёмонликнинг ўзига яраша жазоси бор



14:34 / 04.04.2019 4506

### **Доктор Леон Вутти:**

«Материалистлар кишилар қалбига ўз назарияларини сочдилар. Бу назариялар «Инсон ўлгандан сўнг тамом бўлади, қайта тирилмайди», дер эди. Бу эса, ўз навбатида, инсонларнинг ҳавойи нафс ва шаҳват ортидан юришларига олиб келди. Бу ижтимоий касаллик инсониятни гўё истерия каби тузатиб бўлмайдиган тубанлик касалига йўлиқтиради. Шундай тубанликда қолган инсон қалбида бир чуқур алам сезади, бу ҳаётдан бошқа бир афзал ҳаётни излайди, лекин ўзи тушиб қолган ноқулай ҳолатдан чиқишга йўл топа олмайди. Ҳозирги кунда бизни бошқариб турган тушунча ўткир заҳар бўлиб, инсонийлигимизни емирмоқда. Бу заҳар бизнинг қалбимизда қолган барча пок нарсаларни ҳам

ифлосламоқда. Инсонлар чиқарган қонунлар инсонларнинг ўзбошимчалигини бошқаришдан ожиздир. Инсон қалбида одоб, ахлоқ таъсири қолмагандан сўнг у тубанлик дарёсига ғарқ бўлиши аниқ. Агар биз ўз обрўйимизни тиклашга уринмасак, ҳалокат сари қадам ташлаб бораверамиз. Ҳар бир ёмонликнинг ўзига яраша жазоси бор».